

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 79 (3561). Жума, 21 апрель 1967 йил. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТАСИНИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика меҳнаткашларининг коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни ҳўжалик ва маданий қўрилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги хизматлари учун ҳамда биринчи сони чиққан кўннинг 50 йиллиги муносабати билан «Правда Востока» республика газетаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Е. НАСРИДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари

Р. САХИБОВ.

1967 йил 20 апрель, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Матбуотдаги кўп йиллик ва самарали ишлари учун ҳамда «Правда Востока» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан республика журналистлари ва босмахона ходимларининг бир гуруҳи «Правда Востока» ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

ГАЗЕТЕ



ЯРИМ АСР ОЛДИНГИ САФДА

„Правда Востока“ газетасининг эллик йиллигига бағишланган тантанали ййғилиш

Газетхонлар билан 15336 марта учрашди. Газета бу учрашуларда ўз дўстлари олдида агитатор пропаганда, ташкилотчи, халқлар дўстлигининг жарчиси, разведкачи, буюккор, жангчи сифатида намоён бўлди. «Правда Востока» газетаси босиб ўтган ярим асрлик йўл ана шундай.

Газетанинг 60 «ингидан» ортқ сўхидан Совет Ўрта Осиёси ва Совет Ўзбекистонининг йилнома-си, катта ҳаёт мактаби бўлиб қолди. Коммунизмнинг миллионлари биюкорлари ана шу ҳаёт ишти-болдан илҳом ва тақриба ҳосил қил-моқдалар.

20 апрелда Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитетининг мажлис-лар залида ўтказилган тан-танали ййғилиш коммунистик матбуотнинг динича традиция-ларига муносиб амал қилётган ва бу традицияларни ривожлантираёт-ган шонли юбилейга бағишланди.

Газетани қўтлаш учун бу ерга кимлар келди. Биз залда Октябрь-революцияси номидан завод иш-чиларини кўриб турибмиз. Илгари-да Кизил Шарқ устаконалари деб-ишч мўхбирларини тайёрлаб бер-ди. Мўл ҳосил етиштиришни га-зета материалларидан ўрганиб ол-ган Фаргона пахтакорлари ўлар-билан бир қаторда ўтиришди.

Бу ерда янги идеяларни тарғиб-этиш учун газетани минбар деб-билган олимлар ҳам бор эди. Ўзбекистон Коммунистик партия-си Марказий Комитети, Ўз-бекистон ССР Олий Совети Президи-уми ва республика министрлар-Советининг жанговар органи «Правда Востока» газетаси ўз са-ҳифаларида улар тўғрисида ёза-ди, улар учун ва уларнинг ёрдами-билан чинарланди.

Бу ерда газетани ўзлари учун ҳаётини иш деб билган журналист-лар полиграфчилар, нашриётчилар-ҳам бор эди. Улар ҳамма олин-ти сафларда боришди. Ўзлари-тасвирлайдиган қаҳрамонларнинг-маффаатлари, фикрлари, ахтирос-лари, яқсират ва зафарлари билан-ашовчи журналистлар ўз ишлари-тўғрисида, ўзларининг оғир касб-лари ҳақида гапиришни унча ҳўш-қўрмайдилар. Аммо, партия, халқ-уларнинг олинкано ишларини, оғир ва шарафли меҳнатини го-ят қадрлайди. Газетани тайёрловчи

ишчиларини — профессионал жур-налистларни, ишчи ва қишлоқ мўхбирларини бутун республика қўтламоқда.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюроси аъзоли-гига қандидат, Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Раши-дов, Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг бую аъзола-ри И. Р. Анисимкин, Р. Қўрбонов, Н. Г. Ломоносов, Н. Г. Яшченко, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нию-нов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бую аъзоли-гига қандидат М. Турсунов, Ўзе-бекистон ССР Олий Совети Президи-уми расисининг ўринбосари А. С. Абдуллин бор эди.

Тантанали ййғилишнинг КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюроси аъзолигига қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нўтки билан оца-ди.

— Бугун биз, — дейди Ш. Р. Рашидов, — республиканинг сий-сий ва маданий ҳаётидаги муҳим воқеани — Ўзбекистондаги на-эмас, балки бутун Ўрта Осиёда ҳам энг кекса коммунистик га-зета — «Правда Востока»нинг эл-лик йиллигини нишонламоқдамиз.

«Правда Востока» газетасининг эллик йиллиги, аввало, газетани чинараётган кишилар — журналистлар, полиграфчилар, но-ширлар коллективининг байрами-дир. Айни вақтда бу — бутун со-вет матбуотининг байрамидир. Шу-тантанали кечда «Правда», «Из-вестия», «Сельская жизнь» газе-тарларининг, қардош республикалар-газеталарининг, Совет Иттифоқи-телеграф агентлиги, «Новости» матбуот агентлиги ва СССР жур-налистлар Союзи правленисининг-вакиллари билан бирга қат-нашаётганликларидан жуда хур-сандимиз.

«Правда Востока» газетаси ўз-йўлини ишчи ва солдат депутат-лари Тошкент Советининг жанго-вар босма органи сифатида бош-лаган эди. Газета, аввало, «Наша газета» номи билан, сўнгра Тур-кистон Марказий Ижроия Коми-тети ва Тошкент депутатлари Сове-

тининг «Известия»си, «Туркес-танская правда» номи билан чиқ-ди, 1924 йил 25 ноябрдан бошлаб эса, газета ҳозирги номи билан-чиқиб келмоқда.

«Правда Востока»нинг йилнома-си тарихий 1917 йил апрелдан бо-шламади. «Правда Востока» га-зетаси марксизм-ленинизм идея-ларини ёйишда, советларни боль-шевиклаштиришда, Ўрта Осиё ва Қозғоғистон меҳнаткашларини боль-шевистик партия теварига янис-лаштиришда, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақ-камлашда жуда катта роль ўйна-ди.

«Правда Востока» газетаси 1919 йилдан бую бутун Россия Марказий Ижроия комитети ва РСФСР Халқ комиссарлари сове-ти Туркистон комиссияси ҳамда РКП(б) Туркистон комиссиясининг органи бўлиб чиқа бошди. Га-зета 1922 йилдан тоғиб 1934 йилгача ВКП(б) Марказий Коми-тетини Ўрта Осиё бюросининг рас-мий органи ва айни вақтда Ўзе-бекистон Компартияси Марказий Ко-митетининг ҳам органи бўлди. Пар-тиясининг Марказий Комитети «Правда Востока» газетаси орқали Совет Ўрта Осиёсининг сийсий ва иқтисодий тараққийетига бевосита-тасвир кўрсатди. Газета саҳифа-ларида партия ва давлатнинг атоқ-ли арбоблари — М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, М. И. Калинин, Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Эляева, А. В. Луначарский, А. И. Икромов, Ф. Хўжаев, Н. Окуновбоев ва бош-даларнинг мақолалари босилиб-тулар эди.

«Правда Востока», «Совет Ўз-бекистон», «Харити Ўзбекистон» газеталари, республиканинг-бутун матбуоти ўлкада тарихий-социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда катта хизмат-қилдилар. Совет Ўзбекистонни ма-тбуоти республикада давлат қўри-лиши ва миллий қўрилишга доир энг муҳим проблемаларни ҳал-этишга, саноат, қишлоқ ҳўжалиги-ни, ҳўсусан ватан пахтачилигини-ривожлантиришга, фан ва мадани-ятни раванқ топтиришга ажойиб-ҳўсса қўшди.

Совет, матбуотининг ленинчи-традицияларига содиқ бўлган

„ПРАВДА ВОСТОКА“ ГАЗЕТАСИНИНГ РЕДАКЦИЯСИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзе-бекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар-Совети «Правда Востока» редакцияси коллективини, полиграфиячиларини, ишчи ва қишлоқ мўхбирларини, авторлар коллективини ва барча газетхонларини газе-танинг биринчи сони чиққан кўннинг эллик йиллиги билан қизгин табриклайдилар ва сидқидилдан муборакбод қиладилар.

Ўзбекистондаги энг кекса коммунистик газетанинг эллик йиллиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сийсий ва ма-даний ҳаётида катта воқеадир. Ленинчи матбуотнинг анъаналарига содиқ бўлган «Правда Востока» Комму-нистик партиянинг улўғ ишига илҳос билан хизмат қи-либ келмоқда. Газета Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақкамлаш учун, ўлкада улўғвор соци-алистик ўзгаришларни амалга ошириш учун, Совет Ўзе-бекистони экономикаси ва маданиятини раванқ топтириш-учун курашининг бевосита иштирокисидир.

«Правда Востока» меҳнаткашларни коммунистик руҳ-да тарбиялашда ва уларни буюк яратувчилик планлари-ни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилишда Ўзе-бекистон партия ташкилотининг актив ёрдамчиси бўлиб-келмоқда. Газета ишчи ва қишлоқ мўхбирларининг кўп-нинг кишилик армиясига, жуда кўп авторлар активига-таянмоқда ва шу тўғрйлай ҳаётни чуқур ўрганиб, ўз са-ҳифаларида коммунистик қўрилишнинг энг муҳим про-блемаларини кўтармоқда. «Правда Востока» газетаси-нинг ўзинингичи сони чиқishi муносабати билан унинг-самарали фаолияти юксак ҳўкумат мукофоти—Меҳнат-Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган эди.

Ушбу юбилей йилида, бутун совет матбуоти қатори «Правда Востока» газетасининг олдида ҳам катта мас-тауиятли вазифалар турибди. Улўғ Октябрнинг жаҳон-

шумул тарихий аҳамиятини, социализмнинг яратувчи-лик қудратини, Октябрдан кейинги эллик йил мобайни-да Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон халқлари эришган-улкан муваффақиятларни атоғлича ва ёрқин тасвир-лаб бериш—шу вазифаларнинг энг муҳимидир.

Газета бундан бую ҳам оммага марксизм-ленинизм-ғойаларини сингдириб бориши, халқнинг революцион ва-меҳнат традицияларини янада ривожлантиришга қў-маклашиши, меҳнаткашларни социалистик ватанпарвар-лик ва пролеар интернационализми руҳида тарбияла-ши, партиянинг ленинчи миллий сийсёти берган ажойиб-мевадарини, халқлар дўстлигининг ҳаётбахш қўчини, Улўғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган со-циалистик мўсабақанинг боришини миллион-миллион-кишиларнинг КПСС XXIII съезди қарорларини муваф-фақиятли бажариши, беш йиллик топшириқларини му-датидан олдин бажариш ва шаҳар билан қишлоқ меҳ-наткашларининг Ватанимиз шонли юбилейини шахсий-ва коллектив меҳнат тўғрйлари билан нишонлаш учун-олиб бораётган курашини тўлиқ ва жозибадор қилиб-кўрсатиб бериши лозим.

Меҳнаткашлар кенг оммаси билан алоқани янада-мустақкамлаш, ишчи ва қишлоқ мўхбирларига таъниб-иш қўриш, журналистларнинг профессионал маҳорати-ни ҳаммаша такомиллаштириб бориш—газета муваффа-қиятлари фаолиятининг гаровидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзе-бекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар-Совети «Правда Востока» коллективига, унинг ишчи ва-қишлоқ мўхбирларига ўзларининг совет халқи бахт-саодати йўлидаги, коммунизм тантанаси йўлидаги ижо-дий меҳнатида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди-лар.

ЎЗБЕКИСТОН
КОМПАТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

Сурат: Оржоникидзе районидаги «Коммунизм тоғи» газетаси штатсиз қишлоқ ҳўжалик бўлими-ходимлари — С. Рустамов, (чапдан) Р. Каримов, Р. Икромов, Д. Муродов ва О. Сайдахмедов ўртоқлар-навбатдаги масалаларни муҳокама қилмоқдалар.

А. Абалаев фотоси.

● Бугун Ўзбекистон ишчи ва қишлоқ мўхбирларининг-учинчи съезди очилади.

● Матбуотимиз таянчларига ижодий муваффа-қиятлар тилаймиз.

Ийигили охирида катта кон-церт бўлди. (ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КҮННИНГ 97 ЙИЛЛИГИГА

ҲАМИША БАРҲАЁТ



«Революция номи билан» фильминан кадр.

Улуғ доҳийимиз В. И. Лениннинг туғилган кўни муносабати билан областининг барча кинотеатрлари, маданият саройлари, шунингча қишлоқ клублари экранларида В. И. Ленин ҳақидаги фильмлар кўрсатишмоқда. Экрандан Ленин овозини эшитамиз, унинг ўзи гапириб, ётгандек бўлади гўё.

Тошкент ва Тошкент области кинотеатрларида 17 апрелдан бошлаб «Ҳаминиша барҳаёт Ленин» деган кинофестиваль ўтказилмоқда. В. И. Ленин туғилган кўнининг 97 йиллигига бағишланган бу фестивалнинг программасига «Ленин 1918 йилда», «Кўк дастар», «Милитикли киши», «Ленин ҳақида ҳикоялар», «Революция номи билан», «Ленин Польшада» каби бадний

фильмлар, «Узоқ Шүшенское қишлоғида», «Илмий Лондонда», «Лениннинг уч баҳори», «Ленин Америка билан сузлашди» ва бошқа хроникал-хужжатли фильмлар намойиш қилинади. Бу фильмлар буюк доҳийнинг ҳаёти ва фаолияти билан томошабинни таништириди. Совет киносанъатида доҳий образини акрайдя аниқроқ ва тўлақонли яратишга киришди.

ДОҲИЙ ОБРАЗИ КИНО ЛЕНТАЛАРДА

разини яратиш традицияга айланб қолди. Революция ҳақидаги биринчи «Октябрь» фильмидан сўнг совет киносанъатининг атоқли арбоблари Ленин



«Она қалби» фильминан кадр.

образини акрайдя аниқроқ ва тўлақонли яратишга киришди. Шу айни 1937 йилда Ленин ҳақида биринчи бадний фильм — «Ленин Октябрьда» яратилди. Шундан кейин 1938 йилда «Милитикли киши», 1939 йилда «Ленин 1918 йилда» фильмлари яратилди. Бу фильмлар Совет киносанъатининг жаҳон миқёсига кўтарди.

Сўнгги йилларда ҳам Ленин ҳақида «Биринчи меҳмон», «Вир планетада», «Ленин Польшада» каби фильмлар яратилди.

Ленин ҳақидаги энг сўнгги фильм «Ленин Польшада» деб аталади. Бу фильмни яратган Сергей Юткевич Ленин ҳақида доир тарихий ҳужжатлардан, унинг ўз асарларидан, Ленин сафдошларининг хотираларидан кенг фойдаланди. Фильмда биз фақат Ленин монологини эшитамиз. Бутун воқеаларни доҳийнинг ўзи ҳикоя қилади. Бу ҳажимли лента кино-санъатининг тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу фильмнинг Ленин мурофотига тасвир этилиши тасодиф эмас, албатта. Фильмда В. И. Лениннинг муҳожирликдаги ҳаёти юксак бадний маҳорат билан акс эттирилган. Бу фильмда биз уни жаҳон тарихи воқеаларини сиқовчилик билан кузатаётган улкан арбоб ва донишманд сифатида кўрамыз. Ҳаракат ва драматизм кам бўлган бу фильмда лепнича тафаккур катта маҳорат билан акс этганини кўрамыз. Бу фильмда Ленин ролини ўзининг қадрдон кино актёримиз Максим Штраух ижро этган.

Яқинда Сергей Юткевич билан СССР халқ артисти Максим Штраух «Энг инсоний одам» деган ҳужжатли лента яратилди. Шубҳасиз, бу лента томошабинларда катта қизиқиш уйғотади. Фильм авторлари кинополитани яратиш тарихи ҳақида ҳикоя қиладилар. Картинада ҳикоя қиллоқлар, «Ленин Польшада» фильмларидан фойдаланилган.

Владимир Ильич ҳақидаги фильмлар кино йилномадир. Бу йилноманинг ҳар бир саҳифаси аниқ ва қадрдон Ильичнинг ҳаётини акс этдириди.

ЙҮЛЧИ ЮДУЗ

Ўзинг йўлчи юдуз, сўнмас машъулсан,
Элларин доимо бахтга бошларсан,
Авлодлар қалбидан мангу лишарсан,
Ҳамиша барҳаёт, жонанжон Ленин!

Оғир курашларда сен бўлдинг ҳамдам,
Шонли зафарларга бошладинг ҳар дам,
Сен билан эл қучди абадий кўлам,
Бахтиёр дилларга қадрдон Ленин!


Қуёшдек нур сочар шонли байрогинг,
Сайёралар аро поллар чароғинг,
Абадий яшайди яратган боғинг,
Эрк, тинчдин боғбон, меҳрибон Ленин!

Сен халқлар тинчлигин улуг посбон,
Инсоннинг ушалган сендан армон,
Эркесвар элларнинг қадрдон,
Бахтимиз қуёш, отахон Ленин!

Рўзимат ДАМИНОВ.



«Ленин Польшада» фильминан кадр.



«Ленин 1918 йилда» фильминан кадр.



«Коммунист» фильминан кадр.



«Биринчи қабул» фильминан кадр.

ЛЕНИН МАЙДОНИ. АПРЕЛЬ...

Владимир Ильич ҳайалининг ўнг томонида қурилатган бино нарқаси тўла равишда қад қўтди. Бу бино Тошкентнинг бош майдонидан жануб томонини тўла равишда ағдарилади. Маана шу йузда катта корпорунинг етти қавати қандайд бўлиши Ленин кунлари арафасида яқол қуринадиган бўлиб қолди. Электр пайвандчиларнинг апрель омониди ялтираб қуринадиган шувъаси темир-бетон колонналар ва ҳариларнинг охириги «белгилари» асалаётганлигини билдириб турибди.

Шу бино рўпарасида, майдоннинг шимол томонида эса, бундай шувъалар эндигона юқори кўтарилган бўлади. Бу йойда ўн тўртта қаватли иморат қад кўтарилиши тасаввур қилиш қийин. Бу ерда ўрнатилган бўйи етмиш метрли қанчал жуда катта қранга қараб, Тошкентнинг энг баланд биноси қад кўтара бошлаганини пайкаш мумкин деса бўлади.

Ленин бу иморат куч йиғиб олиб, бир йўла баланд кўтарилган учун унинг тўрт қавати ер остида қурида бўлади, 19 қаватининг ҳар биринда бир неча минг чонин пайвандлашга тўғри келади. Пайвандлаётган пўлат бир бирига мустақам бўлиб ёпишиб қолмиш, кўп минглаб элементдан йиғилган бўлган нарқас эса ахлит бир ҳолга

келиши учун 27 яшар инженер Холодов жуда кўп меҳнат қилди. Пўгон ўзақлар бир-бирига синдиб ёпишмоғи учун уларни электр ёй ўти билан яхшилаб эритиш лозим. Оловнинг бутун иссигини керакли нуқтага йўллаш, унинг сочилаб кетишига, металлга синиб тарқатилишига йўл қўймасдан учун пайвандланётган чоқ металл вақнаси билан қоплаб қўйилди. Шу вақтгача бу ваннача устига яна пўлат ёпич ҳам қўйилар эди. Бундай қараганда бу ёпич пайвандлаш шароитини яхшилаш керак эди...

40 миллиметрли ўзақин маана шу ёпич остида пайвандлашга бир соатдан кўпроқ вақт кетар эди, натижа қандайд бўлиб чиқарди? Бундай арматура синов вақтида 10 тонна ва ушдан кўпроқ босимга бардош бера олмай, чоқ сўкилиб нетарди.

Ёпични олиб ташлаб ишлайдиган бўлиши, бу билан металлнинг қиситиши яхшиланди, пайванд қилинадиган чоқин пайвандчининг ўзи кўриб турадиган бўлди ва шу туфайли ҳамма иш аниқ бажарилганга эришилди. Натижада ҳар бир чоқ йигирма минутда пайванд қилинадиган бўлиб қолди, бу пайванд эса бир неча ўн тонна босимга бемаввал бардош беради. Аслини олганда, чоқнинг мустақамли-

гини билишининг ҳамма вақт ҳам имкони бўлавермайди. Чунки олдинроқ... арматура узилди. Маана шу иккита ангиллик-горизонталь чоқларни порошқли электродлар билан ва вертикаль чоқларни яланғоч сим яъни оқиёй билан пайвандлаш бинони йиғиш сифатини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини 2—3 баравар оширишга, тонналаб металлни тешашга имкон берди.

...19 апрелда ер остидаги устун—4 қаватда монолит конструкциялар кетидан йигма темир бетоннинг монтаж қилини бошланди.

Яна бир воқеани айтиб ўтиш керак. Котлованга, унинг девори билан фундаментини бир-бирдан ажратиб турган оралиқларга механизатор Михаил Грязевецкий шибба-лагич машина тушириб ерни жалд шиббалашга киришди.

Котлован қўйиб ташлангандан кейин иморатнинг икки томонига пўлат ислар ётирилди. Донбасдан келтирилган БК—300 деб аталувчи қраллар шу ишларда юриб, ишлаб туради. Домна бетларини йиғишда қатнашган бу қралларнинг пўлат қўллари Ленин майдонда тикланганда ва Ўзбекистонда энг баланд бино бўлган иморатини қанатма-қават монтаж қилишга киришди.

Е. ФОНОВ.
ЎзТАГ мухбири.

МАРКСИЗМ ФАЛСАФАСИДА
ЛЕНИНЧА ДАВР

КАПИТАЛИСТИК жамият XIX асрнинг охирига келиб ўзининг янги, сўнгги империализм босқичига қадам қўйди. Империализм, Ленин таъкидлаганидек, монополистик, чирик ва умри тугаган капитализм бўлиб, у ҳамма соҳада қора реакциянинг кучайиши билан характерланади. Бу ҳол ишчилар синфи курашини ҳам, миллий-озодлик ҳаракатини ҳам, илгор назариялар ролини ҳам кучайтирди. Ана шу янги тарихий давр марксизм таълимоти, унинг назарий асоси—диалектик ва тарихий материализмининг янгида ижодий ривожлантириш вазифасини кўн тартибига қўйди. В. И. Ленин ва унинг шогирдлари, баъжарилиб бу вазифани...

Буюк Ленин доно доҳий ва буюк революционергина бўлиб қолмай, у генал мутафакир, тенги йўқ файласуф эди, у янги тарих халққара ишчилар синфи, миллий-озодлик ҳаракати, илм-фаннинг кейинги ютқуларни муносабати билан ўртага қўйган барча сиёсий, фалсафий, муаммоларга жавоб берди; империалистик буржуазиянинг реакция фалсафаси, ишчилар ҳаракатидаги ревизионизм, догматизм каби иллатларни қаттиқ танқид қилди, марксча фалсафа, унинг жони—материалистик диалектикани ижодий ривожлантирди ва усталик билан ҳаётга таъбиқ этди.

Марксизм фалсафасини ривожлантиришда Ленин давр революцион ҳаракатининг ва жаҳон тарихининг муҳим босқичларига мувофиқ келди. Бунда Улуғ Октябрь социалистик революциясига икки асосий босқични кўрамыз. Биринчи босқич 90-йилларнинг ўртасидан биринчи рус революцияси ва реакция йилларигада бўлган даврни ўз ичига олади. Фалсафа соҳаида бу давр ревизионизмга қарши, наредиклик ва анархистларнинг идеалистик фалсафаси ва субъектив социологикасига қарши исхон кўраш қилинган бўлиб, В. И. Ленин ва унинг сардошлари бу даврда тарихий материализмининг муҳим масалаларига алоҳида аҳамият берадилар.

Марксистик фалсафа айниқса реакция (1908—1910) йиллари вақтида ва ундан кейин сезиларли даражада ривожланди. В. И. Лениннинг марксча фалсафага оид генал асарлари, дастларлари ҳам Улуғ Октябргача бўлган маана шу даврда яратилди.

1909 йилнинг май ойида эр қийинчиликлардан сўнг Лениннинг машҳур «Материализм ва эмпириокритицизм» номи генал фалсафий асари босилиб чикди. Ленин бу асари билан буржуа идеологларни ва фалсафий ревизионизмларнинг, рус махистлари ва уларнинг чет элдоги философ устоаларининг марксизм фалсафасига қилган ҳужумларини қайтарди, марксистик фалсафанинг ҳамма асосий масалаларини баён қилди, янада ривожлантирди. «Материализм ва эмпириокритицизм» партияимиз ҳаётининг энг оғир давларида болшшевиклар руҳини кўтарган, уларни ўз атрафига жалбаштирган гоёяий байроқ, ўткир назарий қурол бўлди.

Маълумки, биринчи рус революцияи маълумиятга учраган, ҳамма ёқни қора реакция кўланаси босди, болшевиклар қувғин остига олинди. Революциянинг муваққат ҳамроҳлари марксизмдан, унинг фалсафий-назарий асосларининг разилона юз ўғира бошладилар. Улар «тузатиш», «якшиллаш» ниқоби остида марксизмининг фалсафий ҳамда илмий асосларини «танқид қилишнинг кучайириб юбордилар. Идеализм ва дин исхон онгининг энг олий ютуғи деб эълон қилинди. Илгари ўзларини марксист деб юрган баъзи болшевиклар (Богданов, Базаров, Луначарский ва бошқалар), шунингдек бир қанча меншевиклар (Юшкевич, Валентинов) марксизмини ревизия қила бошладилар. Унга бузуқ маъно бера бошладилар. Рус фалсафий ревизионизмининг ишчи партиясининг сиёсий соҳадаги душманлари ва Габрий Европадаги фалсафий ревизионистлар билан бирилашиб кетдилар, марксизмга қарши туҳмат гаплар ас жига қийди.

Идеология соҳасидаги барча душманларни фаш қилиш, марксистик партиянинг назарий асосларини ҳикоя қилиш учун Ленин, қучли эҳтирос ва ғазаб билан кураш майдонига чикди. Гоёт катта илмий-тадқиқот ва сарвоқят самареси бўлган «Материализм ва эмпириокритицизм» асари фалсафий ревизионизмга ва буржуазиянинг идеалистик фалсафасига қарши курашининг тегиссиз намунаси бўлди. В. И. Ленин бу асарда ишчилар синфига раҳнамоллик қилмоқчи бўлган рус марксистларнинг «материализмга қарши бирорта ҳам янги далил келтирмай, немис буржуа файласуфи Махнинг субъектив идеалистик фалсафасига эргашганликларини фаш этди. Бинобарин, фақат марксистик фалсафанига ишчилар синфи қўлига табиат ва жа-

мият қонунларини билиш қуролини бериб, уни асрий қулликдан, чексиз зулмдан, қабохат ва разолатдан халос қилиш мумкинлигини кўрсатди. В. И. Ленин ўз асарда диалектик материализмининг билиш назариясига алоҳида аҳамият берди. Чунки ўша вақтда билиш назарияси материализм билан идеализм ўртасидаги курашнинг марказий масаласига айланган эди. Шунинг учун ҳам китобнинг дастлабки уч бобида эмпириокритицизм билан диалектик материализмининг билиш назарияси айниқса муқаммал баён қилинган. Ҳақиқат, таъриб, практика масалалари ҳам маана шу бобларда муҳаккасланди.

«Материализм ва эмпириокритицизм»да Ленин табиётшунослик фанида, айниқса, физикада рўй берган буюк кашфиётларни марксча фалсафа нуктаи назаридан умумлаштирди, буржуа табиёт илми кечирган чўқур кризиснинг сабабларини ва моҳиятини очиб ташлади, табиёт фанидаги ангилликлар марксистик диалектика қондалари тўғрилигини тасдиқлашини ҳамда табиёт илминин кризисдан чиқаришининг бирдан-бир тўғри йўли—унинг диалектик материализм позициясига ўтиши эканлигини кўрсатиб берди.

Бу асарда жамият тараққиёти ҳақидаги фан—тарихий материализм ҳам ривожлантирилди. Автор жамиятнинг объектив қонунлар асосида табиий-заърурий ривожланишини рад қилишдек марксизмга ёт фикрларни қаттиқ танқид қилди, пролетариатни гоёяий жиҳатдан қуролсизлаштирилмаслик учун жамият қонунларини билиш ва улар асосидагина пролетариатнинг тактика ва стратегиясини аниқлаш, жамият ривожланишини олдиндан кўра билиш мумкинлигини исбот қилди. В. И. Ленин фалсафанинг партиявийлиги принципини асослаб берди ва ривожлантирди. Марксизм фалсафасини ревизия қилишга уринган рус махистларнинг синфий илдиларини очиб ташлаб, фалсафий тортишувлар пировардида бир-бирига душман синфларнинг идеологиясини ифода этишини кўрсатди. Ленин эмпириокритик ювиндикўрлар империалистик буржуазия қўлида шунчаки бир қурол бўлиб хизмат қилишини кўрсатиб бундай деб ёзди: «Бундан икки минг йил муқаддам фалсафа партиявий бўлгани хаби, энг янги фалсафа ҳам партиявийдир. Сохта олиқлик, лўттибозликдан иборат янги номлар билан ёки бедаросат партияизмлик ниқоби билан пардаланган асосий масала устида курашаётган партиялар материализм билан идеализмдир». (В. И. Ленин, Асарлар, 14 том, 401 бет).

В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» номи генал асари фалсафий ревизионизм ва буржуа идеалистик фалсафасига қарши қиқшатиқ зарба берди ва партиявий курашининг намунаси бўлди. А. А. Жданов айтганидек, Лениннинг бу асардаги ҳар бир сўз душманга отилган ўқ, душманни ахсон қилувчи ўткир қилчидир. Бу асар ҳозир ҳам жаҳон маънавий ҳаётига, илм-фаннинг равнақига қучли таъсир қилётган, марксизм фалсафасини муқаммал баён қилувчи бебаҳо хазинадир.

В. И. Ленин марксча фалсафани реакциядан кейинги даврлар—иккинчи босқичда ҳам ҳикоя қилди ва ривожлантирди. Биринчи жаҳон уруши даврида ёзилган машҳур «Фалсафа дастларлари», «Материализм ва эмпириокритицизм» асрининг давоми бўлиб, унда диалектик метод масалаларига алоҳида эътибор берилади. Материалистик диалектикани ижодий ривожлантириш, уни империализм шароитига таъбиқ қилиш В. И. Ленин тарихий материализм соҳасида ақойиб илмий кашфиётлар қилиш имконини берди. Империализмининг антагонистик қарама-қаршилликларини ва унинг ривожланиш қонунларини чўқур анализ қилиш натижасида Ленин пролетар социалистик революциясининг бир неча ёки айрим олинган капиталистик мамлакатда ҳам ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги янги назарияни, уруш ва тинчлик, давлат ва пролетариат диктатураси ҳақидаги таълимотларни яратиб, ишчилар синфини гоёяий жиҳатдан қуроллантирди.

В. И. Ленин генал мутафакир эди. У фалсафий билимларнинг ҳамма соҳасида ҳам баракали ижод қилди ва из қолдирди. Унинг асарларида фалсафа тарихи, марксча эстетика, этика ва илмий атеизм, илмий коммунизм масалалари кенг ишлаб чиқилган ва ривожлантирилгандир.

Буюк назарийчи диалектик материализмининг инхикос назарияси асосида адабиёт ва санъатнинг партиявийлиги, синфий характери, ўтмиш маданый меросининг халқ оммаси учун катта аҳамияти борлиги каби масалаларни ёритди, коммунистик ахлоқ ва одобнинг, янги турмушнинг на-

зарий асосларини ишлаб чикди. Шунингдек у диннинг синфий ва ғносеологик илдиларини ҳам фаш қилиб ташлади, илмий атеизмин ривожлантирди, марксистик партиянинг динга муносабати масаласини ҳал этиб берди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси жаҳон тарихида, ҳамма соҳада, шу жумладан кишилар онгида, жамиятнинг бутун маънавий ҳаётида ҳам энг катта ҳодиса ва исхон бурлиш нуқтаи бўлди. Маркс ва Энгельс таълимотининг тенги йўқ мутахассиси Ленин улар билан революциядан кейин ҳам ҳамиша «машахатлашиб» турар, уларнинг принципларига амал қилар эди. Аммо Маркс ва Энгельс барча янги ва мураккаб ҳаётий масалаларга жавоб тайёрлаб кетишган, деб бўлмайди. Тарихий тараққиёт юзага келтирган янги назарий-сиёсий масалалар устида Ленинга бош қотиришга тўғри келди. Жумладан Улуғ Октябрь социалистик революциясидек жаҳоншумул-тарихий воқеадан тегишли хулоса чиқариш, капитализмдан социализмга ўтиш масалаларини ишлаб чиқиш, янги социалистик жамиятнинг қонунларини ва ҳаракатлантуручи қучларини кўрсатиб бериш зарур эди. Ана шу заруратлар тақозаси билан Лениннинг сиёсий ва назарий фаолияти Улуғ Октябрдан сўнг исхон қурилмаган даражада кучайиб кетди. У партиянинг VII—VIII—IX—X—XI съездларида доклад қилди, партия программасини ишлаб чикди, халққара коммунистик ва ишчилар синфи ҳаракати бирлиги учун тинмай курашди, унинг тактика ва стратегиясини, идеология ва сиёсатини ижодий ривожлантирди.

Давлат ва партия иш билан гоётда банд бўлишга қарамай, В. И. Ленин марксча назарияни янги тарихий таърибга асосида ривожлантириш учун кўп меҳнат сарф қилди. «Совет ҳокимиятининг набатдаги вазифалари», «Пролетар революцияси ва ренегат Каутский», «Коммунизмда болаларча «сўйлик» касали», «Ешлар союзининг вазифалари», «Курашчан материализмининг аҳамияти» каби қатор илмий-назарий асарлар ёзди, докладлар қилди.

Ленинизм—империализм ва пролетар революциялари даврининг, капитализмдан социализмга ўтиш даврининг марксизми бўлиб, жаҳон маданиятининг энг олий ютуғидир. Бизнинг давримиз ленинизм тантанаси давридир. Эндикда Лениннинг ўлмас ғозалари Совет Иттифоти Коммунистик партияси ва бошқа коммунистик ҳамада ишчи партиялар томонидан янги тарихий шароитга мувофиқ ижодий ривожлантирилмоқда. Бу фалсафа соҳасида ленинизм даврининг давом этишидир. Ленин ҳар сафар вазиятин конкрет суратда чўқур анализ қилиш керак деб таълим берар эди. Лениннинг доно кўрсатмаларига амал қилётган халққара коммунистик ҳаракат ҳозирги энг актуал проблемаларини коллектив бўлиб ишлаб чиқмоқда. Марксизм-ленинизм таълимотига содик бўлган коммунистик ва ишчи партиялар шу билан бирга турли мамлакатлар ривожланишидаги миллий тарихий хусусиятларни ҳисобга олмовчи догматикларга қарши ва марксча-ленинча интернационал бирдамлик принципларини улоқтириб ташловчи, миллий хусусиятларни абсолютлаштиручи ревизионистларга қарши кураш олиб боришнинг ҳозирги Хитой раҳбарлари марксизм-ленинизмга қабилларча ҳиёнат қилмоқдалар. Уш-Ушдан маълумки, ҳозир ХХР да «мадан революция» ниқоби остида қурилатган машамалар марксизм-ленинизм таълимотига мутлақо эидир. Ашаддий миллатчилик ва Советларга қарши иғво-туҳматини кучайтираётган, улуғ Хитой халқининг маданый меросини йўқ қилётган, ветеран партия ходимларини, эйилларини қувғин остига олаётган харбий қийматли бозори ўсимлар—хунаёбчилар қатти-ҳаракатининг социалистик маданият билан нима алоқаси бор! Ваҳоланки В. И. Ленин диалектика қонунларини анархистларча инкор қилиш эмас, уларга асосланиб сиёсат юргизиш керак деб таълим берган эди. Оғизда гўё ленинизмга суянаётган ХКП раҳбарлари Лениннинг бу доно кўрсатмасига амал қилмай, авантюра йўлига кириб кетмоқдалар, буюк мамлакатда анархия асж олмоқда.

Революцион кураш практикаси, коммунизм ва коммунизм қурилишининг ҳақиқий таърибаси Ленин йўлидан қайтишларни ҳамма энгиб ўтган ва энгиб ўтади. Замонамиз ленинизмнинг мангу барҳаёт, энгилмас таълимот эканлигини кўрсатди ва кўрсатаверади. Улуғ Лениннинг номи, унинг ишлари ва таълимоти асрлар оша, минг-минг йиллар давомида яшабверади! Чунки ленинизм ҳаёт тақозоси билан юзага келган энг тўғри таълимотдир.

Убайдулла БОЗОРОВ,
фалсафа фанлари кандидати,

